

10. Марқа-қирқ, юз, минг қабилаларининг умумий номи. Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Қ” ҳарфи. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти. – Б. 155; Туркестанские ведомости. 1871, №29. – С. 116. (The general name of Marka-kirky, hundred, thousand tribes. See: National Encyclopedia of Uzbekistan. The letter "Q". - Tashkent: State Scientific Publishing House. - B. 155; Turkestan newspaper. 1871, #29. - S. 116.)
11. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2014. – Б. 115. (Khudoyorkhonzoda. Anjum al-Tawarikh. - Tashkent: Science and Technology, 2014. - B. 115.)

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВРИДА НАМАНГАН ШАҲРИ ВА АТРОФ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ СУҒОРИЛИШ ТИЗИМИ ТАРИХИ

Акбаров Қобилжон

тарих фанлари номзоди, Тарих кафедраси доценти

Аманов Абдусалим Абдусаломович

ҚўқонДУ “Тарих” кафедраси ўқитувчиси.

Тел: +99891-200-04-66 E-mail: amanovabdusalim1980@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада Қўқон хонлигининг Наманган шаҳри ва атроф қишлоқларидаги суғорилиш тизими тарихий манбалар асосида таҳлил қилиш ва ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: Қўқон хонлиги, суғориш иншоотлари, суғориш тизими, деҳқончилик, солиқлар, мажбуриятлар, ҳашар, Янгиариқ канали, мироббоши, мироб.

Аннотация: В данной статье предпринята попытка проанализировать и осветить ирригационную систему города Намангана и окрестных сел Кокандского ханства на основе исторических источников.

Ключевые слова: Кокандское ханство, ирригационные сооружения, оросительная система, земледелие, налоги, повинности, хашар, Янгиарикский канал, мираббоши, мираб.

Abstract: This article attempts to analyze and cover the irrigation system of Namangan city and surrounding villages of Kokand khanate on the basis of historical sources.

Keywords: Kokand khanate, irrigation facilities, irrigation system, agriculture, taxes, obligations, hashar, Yangiariq canal, mirabboshi, mirab.

Қўқон хонлиги тарихини кенг қўламда тадқиқ қилиш тарихшунослигимиздаги долзарб муаммолардан биридир. Жумладан, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги давлатларига нисбатан Марказий Осиёнинг шарқида, табиий шароити яхшироқ, деҳқончилик учун қулай жойда жойлашган Қўқон хонлигида ер-сув муносабатлари тарихини ўрганиш муҳимдир.

XVIII асрнинг охирлари ва асосан XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлигида хонлар ва айрим кишилар томонидан бир неча каналлар ва ариқлар чиқарилиб, ўша дарёлар ва сойларнинг сувларидан фойдаланилди. Фарғона водийсида хонлар ҳукмронлиги даврида мазкур дарёлар ва сойларнинг сувидан унумли фойдаланилмаган. Чунки, йирик суғориш иншоотлари қурилмаган эди.

Архив ҳужжатлари ва эълон қилинган адабиётларнинг кўрсатишича, Қўқон хонлиги ҳудудида XIX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб, сув олувчи бир неча катта-катта ариқлар ва каналлар қазилган. XIX асрнинг биринчи ярмида, айниқса, Қўқон хонларидан Олимхон (1800-1809йй), Умархон (1809-1822йй) ва Муҳаммад Алихон (1822-1842йй) даврида босқинчилик урушлари натижасида хонлик ҳудудига Тошкент, Туркистон, Ўратепа, Хўжанд қўшиб олинади. Аср бошида бир неча бекликларга бўлинган кичкина давлат бўлган

Қўқон хонлиги 20-30 йил мобайнида Ўрта Осиёнинг энг йирик давлатларидан бирига айланди.[1. – Б:310]

XIX асрнинг биринчи ярмида хонлик ҳудудининг чегаралари рус ерлари ҳисобланган Сибирь билан чегарадош бўлиб қолганлиги ва давлатлар ўртасида ўзаро савдо алоқаларининг кенгайиши хонликнинг иқтисодий тараққиётида муҳим рол ўйнади. Бу даврда Қўқон хонлиги Россия учун пахта ва пахтадан қилинган матоларни сотиб олишда асосий давлат бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам хонлик ҳудудидаги деҳқончилик учун яроқли ерларни жуда катта қисмига техник экин ҳисобланмиш пахта экилар эди. Чунки хонликнинг асосий даромади пахта эвазига олинарди. Умархон (1809-1822й) даврида хонликда бўлган Филипп Назаров: «Қўқон ва Қўқон хонлигида пахта жуда кўп экилади. Ҳамма жойда пахта экилганини кўрасиз» деб ёзган эди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, айниқса, пахтага бўлган талабнинг ортиши хонликда деҳқончиликни ривожлантиришни, бунинг учун эса янги ерларни ўзлаштиришни, ирригация хўжалигини қайта қуришни тақозо этарди.

Шу даврда хонликда қурилган йирик суғориш иншоотларидан бири Янгиариқ каналидир. Каналнинг қазилган йили ҳақида илмий тарихий манбаларда турлича маълумотлар бор.

XIX асрнинг бошларида Наманган шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда сув танқислиги анча кучли бўлган. Шунинг учун ҳам бу воҳада сув таъминотини яхшилаш учун Наманган вилояти ҳокими Сайидқулбек Олимхондан Норин дарёсидан сув олувчи канал чиқаришга рухсат олади. Канал қазилган бошчилик қилишни, канал ўзанини белгилашни, режа ишлаб чиқишни наманганлик уста Эсонбой бажаради.Кези келганда таъкидлаш лозимки, хонлик даврида суғориш иншоотларини қуришда маълум тартиб-қоида мавжуд бўлган. Суғориш тармоқларини қуриш ишлари учун тоифага ажратилиб, биринчи тоифага маҳаллий аҳамиятга эга бўлган суғориш

иншоотлари киритилиб, уларни қуришда асосан шу суғориш тармоқларидан фойдаланувчи қишлоқлар аҳолиси иштирок этишган. Иккинчи тоифа суғориш иншоотларига эса, ҳажм жиҳатидан катта, йирик каналлар киритилиб, уларни қуришга хонликнинг турли вилоятларидан қазувчи-хашарчилар жалб этилган. Бундай иншоотларни қурилишига бевосита хон ёки унинг вакили бошчилик қилган.

Янгиариқ канали ҳам йирик суғориш иншооти бўлганлиги учун унинг қурилишига хонликнинг Балиқчи, Чуст, Косон, Марғилон, Бободархон (ҳозирги Тожикистон республикасининг Ашт тумани), Навқат, Аравон каби вилоятларидан келган қазувчи-хашарчилар хоннинг буйруғига кўра асосан 15 кун ўз меҳнат қуроли ва озиқ-овқати билан ишлаб беришга мажбур бўлган.[2.-Б:94]

Янгиариқ канали ҳам ана шу йўл билан уч йил ичида, яъни 1800-1803 йилларда халқнинг машаққатли меҳнати эвазига барпо этилди. Каналга биринчи марта 1803 йилда сув очилган. Халқ ўртасида каналга сув очилиши билан боғлиқ ҳозиргача турли ривоятлар сақланиб қолган. Бу ривоятлар хусусида А.Ф.Миддендорф батафсил маълумотлар берган. Шундай ривоятлардан бирида нақл этилишича, бир вақтлар Наманган шахрининг ўрта даҳасида ўнта дарвеш яшаган экан. Булар ичида энг улуғи ва нафаси ўткири ҳазрати Ҳизр бўлиб, уни уста Эсонбой тушида кўрган экан. Ҳазрати Ҳизр уста қўлига муқаддас ҳассасини бериб, каналнинг қурилажак канал ўзанини чизиб кўрсатганини кўрган эмиш.

Янгиариқ канали дастлаб Чегарахона, Қизилрабод, Уйчи, Чортоқ, Мутагон, Косатепа, Мастура, Наманганнинг шимолий қисми ва Хонабод ерларини сув билан таъминлаган. Каналнинг Норин дарёсидан сув олиб Наманган шаҳрига етиб келгунча бўлган қисмидан 55 та ариқ чиқарилиб, 16 та қишлоқ ва 35 та қипчоқ қишлохоналари сув билан таъминланган. Унинг ўзанидан ўша даврда 47-50 тегирмон сув оққан ва у ҳаммаси бўлиб 40 минг десятина ерни сув билан таъминлашни яхшилаш имконини берди. Дастлаки

уч йил давомида Нориндан Хонобод қишлоғигача етиб келган. Янгиариқ канали системасида мироб бўлмаган, аҳоли кичик-кичик ариқлар ёрдамида экинларни маълум бир навбат асосида суғоришган. Канал ҳаммаси бўлиб 40 минг десятина янги ерни ўзлаштириш имконини берган. 18 минг десятина эски суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаган.

Наманган шаҳрида каналдан 21 та шахобча чиқарилиб, улар орқали шаҳарнинг марказий қисми ва шаҳар атрофидаги қишлоқларнинг сув таъминоти яхшиланган. Хонобод қишлоғида эса каналдан 12 та ариқ чиқарилган. Умуман, канал ишга туширилгандан то 1881 йилгача (1811йилдан канал ўзани узайтирилган) Янгиариқдан 96 та шахобча чиқарилиб, кўплаб экин майдонлари суғорилган. 1811 йилда Янгиариқдан Заркент ва Ғирвон қишлоқларига қараб, яна битта ариқ чиқарилган. Бу ариқ воҳа суғорма деҳқончилик тарихига Мутагон ариғи номи билан кирган.

1813 йили Наманган ҳокими Мирза Янгиариқ каналини узайтириб, Қирғизқўрғонгача етказди. Чунки у Сирдарёнинг ўнг соҳилида бўш ётган ерларни ўзлаштиришдан манфаатдор эди. Канал ўзинининг узайтирилиши Наманган шаҳрининг жанубий қисми сув таъминотини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш имконини берди. Каналнинг Хонободдан Қирғизқўрғонгача бўлган қисмида сувларни назорат қилиш учун 1 мироббоши ва 9 нафар мироблар тайинланган. [3. – Б:33] Назоратчиларнинг тайинланишига асосий сабаб сувдан фойдаланишда қишлоқ аҳолисини ўзбошимчаликлари эди. Чунки каналдан оқаётган сув миқдори воҳа аҳолисининг эҳтиёжини тўла қондира олмас эди.

1819 йилда Қўқон хони Умархон фармони билан Янгиариқ канали яна узайтирилиб, унинг узунлиги 120 чақиримга етказилган. Бу даврда ундан 5-6 саржин сув оққан. Янгиариқ канали узайтирилиб, тўла ишга туширилгандан сўнг тузилган ирригация иншоотларининг харитасида Наманган воҳасида 5 та сой, 195 та канал (ариқ) мавжудиги кўрсатилиб, улар орқали 131 та қишлоқ ва 45 та чорвадорларнинг қишлоқ ерлари суғорилгани, сув

тақсимоти ва назорати билан 4 нафар мироббоши ва 56 нафар мироблар шуғулланганлиги қайд этилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Наманган шаҳри ва унинг атроф қишлоқларини суғориш ишларини такомиллаштириш мақсадида бир неча суғориш иншоотлари қурилган бўлиб, жумладан Янгиариқ канали ҳам аҳолига кенг миқёсда фойда келтирган.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Садуллаев ва б. Ўзбекистон тарихи. 1 қисм, Тошкент; 1997.
2. Туркестанский ведомости, 1880, № 24.
3. Насритдинов Қ. Наманган воҳасининг суғориш тарихидан // Ўзбекистон ижтимоий фанлар. 2000. №2.

Қўқон хонлигида хусусий, жамоа ва вақф ерларидан фойдаланиш тартиб-қоидалари ҳақида.

Холматов Мухсин Мўйдинович,

Аманов Абдусалим Абдусаломович.

ҚўқонДУ “Тарих” кафедраси ўқитувчилари.

Тел: +99890-507-89-58 E-mail: xolmatovm1966@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада Қўқон хонлигида мавжуд бўлган хусусий, жамоа ва вақф ерлари ҳамда улардан фойдаланишдаги тартиб-қоидаларни тарихий манбалар асосида таҳлил қилиш ва ёритиб беришга ҳаракат қилинган.